

Journal of Social Research in Uzbekistan



JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>



MAUSOLEUM OF KUTAIBA IBN MUSLIM**(Preliminary result)*****Dilshodbek Yusupov****Independent researcher PhD**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Qutayba ibn Muslim, Qilichmazor, Caliph, Fergana, Chach, Samanids, Karakhanids, Timurids.

Received: 24.10.25**Accepted:** 25.10.25**Published:** 26.10.25

Abstract: The article is devoted to the study of the history of the Fergana Valley in the Middle Ages. The main issue analyzed is how accurate the information about the burial place of the Arab commander Qutayba ibn Muslim is from a historical point of view. The article pays attention to information found in various sources. For example, according to al-Baladhuri (a 9th-century source), his grave is said to be in China, while al-Tabari (10th century) states that it is in Khorasan. Another source, Narshakhi (12th century), indicates that Qutayba ibn Muslim's grave is in the Fergana Valley. Archaeologist V.A. Shishkin and ethnographer O.A. Sukhareva report about the grave of Qutayba ibn Muslim in Bukhara. However, Sadriddin Aini disagrees with this opinion, emphasizing that the site in Bukhara is not his tomb but rather a memorial place. According to Jamal al-Qarshi, Qutayba ibn Muslim was buried in the ancient cemetery of the village of Kulij. To clarify this information, an archaeological excavation measuring 9x9 meters was carried out on four sides of Qutayba's supposed mausoleum. As a result, remains of structures built from baked bricks measuring 25x25x4 cm, 26x26x4 cm, and 27x27x5 cm were discovered. Floral tiles and inscriptions found there indicate that the monumental building was constructed between 1185 and 1193. The building was repaired at least three times between the 10th and 15th centuries. Based on many indicators, it is likely that Qutayba ibn Muslim was indeed buried in this mausoleum.

ҚУТАЙБА ИБН МУСЛИМ МАҚБАРАСИ

(Дастлабки мулоҳазалар)

*Дилишодбек Юсупов**Мустакил изланувчи PhD**Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Қутайба ибн Муслим, Қиличмозор, халифа, Фарғона, Чоч, сомонийлар, қорахонийлар, темурийлар.

Аннотация: Мақола Фарғона водийсини ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишланган. Асосий масала араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслимни қаерда дафн қилинган ҳақидаги маълумотларни тарихий ҳақиқатга қанчалар тўғри келишини таҳлил қилиниши эди. Унда маълум манбалардаги маълумотларга эътибор қаратилган. Масалан, Балозурийда (IX аср манбаси) қабр Хитойда дейилса, Табарийда (X аср) Хуросонда дейилади. Яна бир манба Наршахийда (XII аср) Қутайба ибн Муслим қабрини Фарғона водийсида эканлиги кўрсатилади. Археолог В.А. Шишкин, этнограф О.А. Сухаревалар Қутайба ибн Муслимнинг Бухородаги қабри ҳақида хабар берадилар. Аммо Садриддин Айний бу фикрга эътироз билдириб, Қутайбани Бухорода мазори эмас, уни қадамжоси бўлганлигини таъкидлайди. Жамол ал-Қаршийнинг ёзишича Қутайба ибн Муслим Кулидж қишлоғидаги қадимги қабристонга қўйилган. Маълумотларни аниқлаштириш учун Қутайба сағанаси тўрт томонида 9х9 метр ўлчамда археологик қазилма қилинди. Натижада 25х25х4, 26х26х4, 27х27х5 см ўлчамдаги пишиқ ғиштдан тикланган иншоотларни қолдиғи аниқланди. Бу ердан топилган гулдор плиткалар ва уларда қайд этиган ёзувлар бинони (маҳобатли) 1185-1193 йилларда қурилганини кўрсатади. Бино X-XV асрларда камида уч марта таъмирланган. Кўплаб белгиларига кўра мақбарага Қутайба ибн Муслим дафн этилгани ҳақиқатга яқин.

МАВЗОЛЕЙ КУТАЙБЫ ИБН МУСЛИМА

(Предварительные итоги)

*Дилишодбек Юсупов**Независимый исследователь, PhD**Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Кутайба ибн Муслим, Киличмазор, халиф, Фергана, Чач, Саманиды, Караханиды, Тимуриды.

Аннотация: Статья посвящена изучению истории Ферганской долины в средние века. Основная проблема заключается в анализе достоверности сведений о месте захоронения арабского полководца Кутайбы ибн Муслима. В работе рассматриваются данные, содержащиеся в различных источниках. Например, у ал-Балазури (источник IX века) говорится, что его могила находится в Китае, у ат-Табари (X век) — в Хорасане. В другом источнике, у Наршахи (XII век), упоминается, что могила Кутайбы ибн Муслима находится в Ферганской долине. Археолог В.А. Шишкин и этнограф О.А. Сухарева сообщают о его захоронении в Бухаре. Однако Садриддин Айний возражает против этого мнения, отмечая, что в Бухаре находится не его мавзолей, а место паломничества (кадамжо). По словам Джамала аль-Карши, Кутайба ибн Муслим был похоронен на древнем кладбище в кишлаке Кулидж. Для уточнения этих данных вокруг предполагаемого мавзолея Кутайбы были проведены археологические раскопки размером 9х9 метров с каждой стороны. В результате были обнаружены остатки сооружений из обожжённого кирпича размером 25х25х4, 26х26х4 и 27х27х5 см. Найденные орнаментированные плитки и надписи на них свидетельствуют, что здание (монументальное) было построено в 1185–1193 годах. Здание ремонтировалось не менее трёх раз в X–XV веках. По многим признакам, в этом мавзолее действительно был погребён Кутайба ибн Муслим.

Ўрта асрлар ёзма манбаларидан Жамол ал-Қаршийнинг “Мулхакат ас-Сурах” асарида Марказий Осиёнинг VIII-XIII асрлар тарихига оид қўплаб қизиқарли маълумотлар учрайди (Джамал ал-Карши, 2006). Унда келтирилишича Ганам Абу Хафс Қутайба ибн Муслим ибн Амр ал-Бахили (660-715 йиллар яшаган) таниқли араб лашкарбошиси, Ўрта Осиёда ислом динини тарқалишида фаол қатнашган тарихий шахс бўлган.

Бунга қўшимча тарзда бошқа манба Қутайба ибн Муслим – машхур араб лашкарбошиси, Хуросон амири, 705-715 йилларда Марвда ҳукм сурганлиги тўғрисида маълумот берилган (Истахрий, 2019. Б. 335).

Қутайба ибн Муслим тўғрисидаги маълумотлар араба манбаларида анча кенг берилган кўринсада, уларнинг аксарият қисми бир бирини такрорлайди (Балазури, 1987; Джамал ал-Карши, 2005; Джамал ал-Карши, 2006; Наршахи, 2011; Истахрий, 2019).

Шундай мабалардан бири Ал-Балозурийнинг “Футух ал-Булдон” асари ҳисобланади. Ушбу асарга берилган “Изоҳлар” қисмида китобни нашрга тайёрловчилар томонидан келтирилган 145-чи изохда Қутайба ибн Муслим ал-Бахилий тўғрисида қисқа маълумот берилиб, бу маълумотлар шунингдек, Ат-Табарий, Ибн-Халликан, аз-Заракли каби муаллифларнинг асарларида учрашига ҳам ҳавола келтирилган. Қутайба ибн Муслим ал-Бахилий 669 йилда туғилганлиги, унинг отаси халифа Ўзид даврида таниқли инсонлардан бўлганлиги айтилади. Қутайба халифа Абдул Малик ибн Марвон даврида Рай шаҳри ноиб, 704 йилдан то вофотига қадар Хуросон ўлкасига волий-ҳоким бўлганлиги тўғрисида маълумот қолдирилган. Шунингдек, манбада Қутайбанинг 715 йилда Фарғонада (Фарғона водийси назарда тутилган – муаллифлар) бўлганлиги, халифа Сулаймонга қарши исён кўтаргани, лекин аскарлари уни қўлаб-қувватламагани ҳамда улар томонидан Қутайбанинг ўзи ўлдирилгани баён қиланади (Балазури, 1987. С. 65).

Қутайба ибн Муслим 714 йили Чочда ҳарбий ишларга бошчилик қилади. 712 ва 715 йиллари Фарғона водийсига юриш қилганлиги маълум.

Яна бир манба – Жамол ал-Қаршийда ёзилишича 715 йилни август ойида “Қутайба қўзғалони” (Матбобоев, Машрабов, 2014. С. 108) пайтида ўз лашкарлари томонидан халифа Сулаймон ибн Абд ал-Малик (715-717 йиллар) амр фармонида кўра ўлдирилади (Джамал ал-Карши, 2006. С. 37, 108, 119).

Бу борада масъул муҳаррир А.К. Мўминов, араб-форс тилидан таржима, шарҳ муаллифлари Ш.Х. Воҳидов ва Б.Б. Аминовалар бўлган 2005 йилда Алматида чоп этилган Жамол ал-Қаршийнинг “ал-Мулҳакат би-с-сурах” асарида қуйидагича маълумотларни кўриш мумкин: “Абу Хафс Қутайба ибн Муслим ибн Амр ал-Бахилий 716 йил зул-ҳижжа ойининг 26, яъни чоршанба куни Фарғонада ўлдирилган ва Калиж қишлоғида дафн этилган” (Джамал ал-Каршӣ, 2005. С. 114).

Баъзи муаллифлар Қутайбанинг Мовароуннаҳрда ўн уч йил волийлик қилганини ёзиб, унинг қаерда ўлдирилгани ва қабри қаерда экани ҳақида икки хил маълумот мавжудлигини таъкидлашади (Эралиев, Остонақулов, Абдулаҳатов, 2014. Б. 159-160). Фикримизча, муаллифлар томонидан Қутайбанинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган даври борасида айрим камчиликларга йўл қўйилган ёки улар бошқа манбаларга таянган ҳолда бу маълумотларни беришган (Джамал ал-Каршӣ, 2005. С. 115). Чунки, барча манбаларда таъкилданишича, Қутайба ибн Муслим Хуросон ноиб, волий-ҳокими бўлган (Истаҳрий, 2019. Б. 335) давр 704 йилдан ҳисобланадигон бўлса у 715 йилгача (ал-Балазури, 1987. С. 65) ноиблик қилган ва бу оралиқдаги давр 11 йилни ташкил қилади. Айрим манбаларда ҳатто унинг ноиблик даври 705-715 йиллар оралиғида кўрсатилган (ан-Наршахий, 2011. С. 108, 290). Ўз Вақтида В.В.Бартольд ҳам Қутайба ибн Муслимнинг ноиблик ва Мовароуннаҳрни Хуросон

таркибига, аниқроғи халифалик таркибига қўшиш учун амалга оширилган юришлари даврини 705-715 йиллар билан белгилаган (Бартольд, 1963. С. 118). Лекин манбалардан бирида бу борада қуйидагича маълумот берилган: “... У (Қутайба ибн Муслим – мақола муаллифлари) Сулаймон ибн Абд ал-Маликнинг буйруғига кўра Ваки ибн ал-Асвад томонидан ўлдирилган. У Хуросонни 13 йил бошқарган (Джамал ал-Каршӣ, 2005. С. 115)”. Бундан кўринадики, “Ўзбекистон Зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Андижон ва Наманган вилоятлари”. Иккинчи китоб муаллифлари юқоридаги манбага таянган бўлишлари мумкин.

Кўплаб тарихий манбаларда Қутайба ибн Муслим ҳозирги Андижон вилояти Жалакудук тумани Пахтакор фермерлар уюшмасига қарашли Қиличмозор (бу термин турли манбаларда Кулидж, Қлич, Кулидж-Мазар, кўринишларида учрайди) қишлоғи ҳудудида жойлашган қабристонда дафн этилган дейилади. Бу фикрни танилган шарқшунослар В.В. Бартольд, Б. Ғофуров, Б. Ахмедовлар тан олганлар (Джамал ал Карши, 2006. С. 08).

Аммо таъкид жоизки, Қутайба ибн Муслимнинг халок бўлган жойи ва уни қабри айрим манбаларда турли жойларда кўрсатилади. Масалан, Балозурийда (IX аср манбаси) қабр Хитойда дейилса, Табарийда (X аср) Хуросонда дейилади. Яна бир манба Наршахийнинг “Бухоро тарихи”да (XII аср) Қутайба ибн Муслим қабрини Фарғона водийсида эканлиги қайд этилади (Писарчик, 1956. С. 170-171). Археолог В.А. Шишкин, этнограф О.А. Сухаревалар Қутайба ибн Муслимнинг Бухородаги қабри ҳақида хабар берадилар. Аммо Садриддин Айний бу фикрга эътироз билдириб, Қутайбани Бухорода мазори эмас, уни қадамжоси бўлганлигини таъкидлайди. Жамол ал-Қаршийнинг ёзишича Қутайба ибн Муслим Кулидж қишлоғидаги қадимги қабристонга қўйилган. Бошқа бир манбада араб саркардаси Сарханг карвон саройи яқинидаги Кох қишлоғига дафн этилган. Машҳур шарқшунос В.В. Бартольд Кулидж ва Кох атамалари бир маънога эгаликларини, фақат Кулидж (Клич) сўзини араб алифбосида Кох деб бузиб ёзилганини айтади. Бошқа бир манбага кўра Қутайба Уструшонанинг Минк деган жойда халок бўлган (Писарчик, 1956. С. 171).

Шу ўринда Қутайба ибн Муслимнинг ким томонидан ўлдирилганлиги борасида ҳам манбаларда турли маълумотлар мавжудлиги кўзга ташланади.

Манбаларда келтирилишича уни қотили Бакий ал-Асвад исмли араб аскарлари бўлган. Бироқ уни ўлган жойи ва жасади қаерга дафн этилгани кўплаб тортишувларга олиб келди (Джамал ал-Карши, 2006. С. 37, 108, 119).

Алматида чоп этилган Жамол ал-Қаршийнинг “ал-Мулҳакат би-с-сурах” асарида Қутайба ибн Муслим Сулаймон ибн Абд ал-Маликнинг буйруғига кўра Ваки ибн ал-Асвад томонидан ўлдирилган (Джамал ал-Каршӣ, 2005. С. 115). Шу ўринда айтиш жоизки ушбу манбалардаги Ваки, Вакиъ исми Бакий тарзида ҳам келган.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида берилган “... бир маълумотга кўра уни Жаҳм ибн Заҳра ал-Джуъфий, бошқасига кўра – кейинчалик Қутайба ўрнига Хуросон амири бўлиб тайинланган тамимийлар сардори Абу Муттариф Вакиъ ибн Абу Суд ал-Гудани ат-Тамими ўлдирган” (ан-Наршахий, 2011. С. 291).

Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-Булдон” асарида Қутайба ибн Муслимнинг вафоти борасида қуйидаги маълумотларни кўриш мумкин: “...Чодирнинг [ён] арқонлари ва [чодир] томининг арқонлари қирқилди, [чодирнинг томи] Қутайбанинг устига тушди, [чодир] томининг устуни [эса унинг] бошига тушиб, уни ўлдирди. ‘Абдуллох ибн ‘Алвон унинг бошини [танасидан] жудо қилди.

[Баъзи] одамлар, улар [жумласи]да Ҳишом ибн ал-Калбий [ҳам шундай] дедилар: [Одамлар Қутайба] нинг чодирига [бостириб] кирдилар, [кейин] уни Жаҳм ибн Заҳр ал-Жу‘фий ўлдирди, Са‘д ибн Мажд уни [қилич билан] урди, Ибн ‘Алвон [эса] унинг бошини [танасидан] жудо қилди” (ал-Балозурий, 2017. Б. 41).

Айрим арабшунос олимлар томонидан ёзилган адабиётларда “... Волид I вафотидан хабар топгач, Хуросон ноиби Қутайба ибн Муслим ўзининг хизмат вазифаси тугаганини англади. Ўзининг ҳаёти хавф остида эканлигини билиб, янги халифага қарши исён кўтаришга ҳаракат қилди. Лекин, узлуксиз урушлардан чарчаган араб қабилалари отрядлари қўзғалон кўтаришди. Уларга қўшин таркибига кирган мавали номли маҳаллий қабила қўшилди, улар араб аскарлари билан тенгсизлигидан норози бўлишди, улар ўзларига бегона бўлган урушларда қатнашишнинг сабабини кўрмадилар, бу уларни кундалик ҳаётдан узган эди. Қўзғалончилар Қутайба ибн Муслимни ушлаб, ўлдиришди” (Фильштинский, 2005. С. 116) каби мазмундаги маълумот берилган. Бу тортишувлар 1300 йилдан зиёд вақтдан буён давом этмоқда...

Юқорида айтганимиздек Жамол ал-Қаршийда айтилган фикр яъни Қутайба ибн Муслим Кулидж (Қлич, Қилич бир бирларига яқин) қишлоғида дафн этилган дейилиши ҳақиқатга яқин (Олимжон Рахимов, 2006. С. 26-27). Қолаверса, маҳаллий аҳоли орасида Қилич Мозор (Кулидж Мазар) атамаси узоқ вақтдан бери кенг фойдаланилади.

Бу зиёратгоҳда масжид ва мақбара кўҳна даврлардан мавжуд бўлган. Бироқ советлар давридаги динга муносабат мазкур зиёратгоҳга ҳам таъсир кўрсатди. Узоқ вақт унга эътибор қаратилмади. Онда сонда айрим олиму уламолар мақбара ва масжидга ташриф буюрдилар. Ҳали бирор марта ҳам мазкур ёдгорлик хусусиятлари очиб берилмаган, мутахассислар томонидан ўрганилмаган (Писарчик бундан мустасно).

Дастлаб 1925 йили Е.К.Бетгер Қилич Мозорни бориб кўрган ва 6 та терракота плиталарини қайд этган. Плиткаларни биттасида “... джумад-уль-авваль ойида...” ёзуви битилган (Писарчик А.К., 1956. С.174). Таъкид жоизки, 2021 йилда топилган терракота

плиткаларидаги ўйиб битилган ёзувларни тадқиқ этган хаттот, Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бўлим мудирини Ғанижон Хожи ака Қосимов фикрича плиталарнинг бирида “аш-шаҳид” сўзи араб хатининг сулс деган турида ёзилган”.

Халқ тилидаги “Имом шайх Қутайба мазори”ни 1946 йили зиёрат этган этнограф А.К. Писарчикнинг ёзишича унча катта бўлмаган мақбара пишиқ ғиштдан тикланган. Уни машҳур меъмор Юсуф Али Мусаев бир неча марта, охириги марта 1938 йили қўрган. Мазкур бинони портал (олд кириш қисм) баландлиги 4 метр, эни 3 метр бўлган (Писарчик А.К., 1956. С. 172). Уни қолдиқлари яъни “қурилиш терракота гулдор плиткалари” бўлакларини 4 та бўлаги ўрганиш учун Тошкентга Ўрта Осиё давлат университети (ҳозир Ўзбекистон Миллий университети) археология кафедраси музейига олиб кетилган. Бино ва уни портал қисмини қачон қурилгани ва ким томонидан бунёд этилгани номаълум эди. Ҳозиргача мазкур мажмуада археологик қазилмалар олиб борилмаган. Фақат айрим археологлар (М.Е.Массон) ва этнографлар (А.К.Писарчик) ташриф буюриб ёдгорликдан қорахонийлар даврига оид материаллар йиғишганлар, бошқа маълумотлар йўқ эди.

Имом шайх Қутайба мақбараси ва масжиди ҳудудида кейинги 100 йилда олиб борилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари пайтида яна бир неча қурилиш безаклари (плиткалар) топилган. 2021 йил апрел-май ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари вақтида мақбаранинг сағана ва ён қисмида янги аниқланган ана шундай топилмаларни ҳисобга олиб Андижон вилояти маданий мерос департаменти томонидан қурилиш ишлари вақтинча тўхтатилиб археологик кузатув ишлари олиб бориш режалаштирилди. Республика маданий мерос департаменти археология бўлими бошлиғи А. Ёрқулов кичик ҳажмда археологик кузатув ишлари олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси ФА Миллий археология маркази Археология институтининг алоҳида гуруҳи томонидан 2021 йилнинг май ва июнь ойларида қадамжонинг шарқий томонида, Қутайба ибн Муслим қабри атрофида 9х9 метр ўлчамдаги майдонда археологик қазилма ишлари олиб борилди. Қазилма ишларида Андижон вилояти Маданий мерос бошқармаси, Бобур жамоат фонди, Қиличмозор маҳалла масжиди ходимлари қатнашдилар. Мавжуд маданий қатламлар ва қурилиш қолдиқлари ўрганилди. Маданий қатламлардан топилмалар, асосан сопол буюмларнинг майда парчалари жуда кам миқдорда қайд этилди. Бу тушинари ҳолат - қадимги қадамжолар, ибодатхона ва масжидларда ҳўжаликда фойдаланиладиган буюмлар (асосан сопол идишлар) кам учрайди.

Қабр ва сағанага тегилаган ҳолда бизлар олиб борган археологик қазилмалар Қиличмозордаги бузилган мақбара остидаги қабр кўҳна бўлиб, уни қурилиш тарихини даврий саналари ва хусусиятлари қуйидагича бўлгани аниқланди:

1) Қабр устида энг дастлабки пахсадан кўтарилган тўртбурчак суфасимон иншоот қайд этилди: ўлчамлари 280x300x380x400 см, қалинлиги 75 смдан 115 смгача боради. Сифатли лойдан яхши пиширилган пахса ёрдамида тикланган. Пахса жуда қаттиқ ва яхши сақланган. Суфасимон иншоот пиширилган сомонли лойдан бир неча марта сувалиб таъмир қилинган.

2) Суфасимон иншоот вақти вақти билан таъмирланган, бунинг учун 26x26x4 см, 27x27x4 ва 27x27x4,5 см ўлчамли қизғиш рангли пишиқ ғиштлардан қурилма остига териблиб макур иншоот кучайтирилган. Қабр усти иншооти - сағана ҳам бир неча бор сомонли лой шувоқ қилинган (ҳозирда сақланган сағана 1975 йили тикланган). Уни устида Тошкентга олиб кетилган 4 дона терракота плиталар турган.

3) Қорахонийлар даври (X-XIII асрлар ёки 942-1212 йиллар) қурилиши суфасимон иншоотнинг шимоли-шарқий бурчагида ҳар икки томонда 24x24x4 см; 25x25x4 см; 26x26x4 см ўлчамли оч сариқ рангли ғиштлардан тикланган бинонинг бўлаги сақланган. Бу даврдаги маҳобатли бино (мақбара) мана шу суфасимон иншоот остидаги қабр билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Айтиш жоизки, айнан ушбу давр бутун Ўрта Осиёда улуғ инсонларга қадамжо ва зиёратгоҳлар, мақбаралар барпо этиш кенг тарқалган бўлиб, Қутайба ибн Муслим учун ҳам алоҳида мақбара қурилган. Ушубу архитектура обидаси Ўрта Осиёда кенг тарқалган бир пештоқли (однопортальные) мақбаралар (Хмельницкий, 1992. С. 120, 156-178) сирасига кириши эҳтимолдан ҳоли эмас.

4) Сақланмаган маҳобатли бинонинг портал (пештоқ) қисмига таалуқли терракота плита бўлаклари учрайди. Бўлақлар мақбара ва масжиднинг атрофида тарқалган ва мазкур ҳудуддаги маҳобатли бинога таалуқли бўлиши керак. Бундай типдаги портал (пештоқ) бўлақларини биз Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳудудида жойлашган, айнан XII асрга оид “Закарии Варрака” номли шахсга атаб қурилган обида кириш қисмида ҳам кузатдик.

Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи атрофида топилаётган терракота плиткалар тайёрланиш техникасига кўра икки давр билан саналиши мумкин, яъни X-XIII ва XIV-XV асрлар билан даврланиши мумкин. Зиёратгоҳдан топилган квадрат пишиқ ғиштлар ўлчамларига кўра Қорахонийлар ва Темурийлар (?) қурилиши амалиётида фойданилган қурилиш материаллари ҳисобланади. Бу даврларга оид кулолчилик буюмлари ва қўл тегирмон тошлари қабристондан ва унга яқин ҳудудлардан кўплаб топилган.

5) 1935-1950 йилларда энгил таъмир ишлари олиб борилган. Энг сўнггиси ва кенг ҳажмлиси 1975 йили ўша пайтдаги Андижон вилояти раҳбари Бектош Рахимов бошчилигида амалга оширилган. Қабр устига икки хонали мақбара тикланган. Ҳозирда ушбу мақбара бузилган ва янгиси тикланиши режалаштирилган.

Қиличмозор қишлоғида археологларнинг биринчи марта олиб борган қазилмалари натижалари бу ерда Қорахонийлар даврига (XII-XIII асрлар) оид катта аҳоли яшаш макони бўлганини ва унда маҳобатли бино (масжид ва мақбара) фаолият кўрсатганини тасдиқловчи топилмалар қайд этилди. Бир неча гектар майдонда ёйилиб ётган Қорахонийлар даври квадрат ўлчамдаги пишиқ гиштлари ҳам қўшимча далил бўлиб хизмат қилади.

Муҳим топилмалардан бири юқорида тилга олинган нақшли ва араб алифбосида ёзуви ўйиб гул солинган терракота плиткалари ҳисобланади. Улардан биттасини профессор М.Е. Массон ўрганиб, унга сана берувчи ёзув битилганлигини аниқлаган. Парчага 581-589 хижрий йилига ёки 1185-1193 милодий йилларига тўғри келадиган ёзув туширилган. Қабристондан топилган тангалар (2 дона) ёмон сақлангани учун ҳали нумизматлар ўрганганича йўқ. Демак, қабр атрофидаги қурилиш қолдиқлари XII аср охири билан боғлиқ. Яъни мақбара қурилиши 1185 йили бошланиб 1193 йили якунига етган деган хулосага келиш мумкин (Мақбарани қурилишига энг яқин ўхшашлик 582/1186 йили битказилган Жанубий Ўзган мақбарасини келтириш мумкин). Уни таъмири эса Темурийлар даври яъни XIV аср билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хусусан 1375 йили Соҳибқирон Амир Темур Фарғона водийси шарқий нуқтасидаги Қорахонийлар пойтахти бўлган Ўзган шаҳрига ташриф буюрган. Айрим тадқиқотиларнинг фикрича, Амир Темур йўлда Қутайба ибн Муслим қадамжосини зиёрат этган бўлиши керак. Чунки Соҳибқирон ва уни хамроҳлари ислом дунёсидаги мазкур зиёратгоҳни билмасликлари мумкин эмас эди (Сайфиддин Жалилов, 2002. С. 206-209).

Шундай қилиб унча катта бўлмаган майдондаги археологик қазилмалар натижасида қабрни атрофида топилган терракота плиталардаги ёзувлар 1185-1193 йили (ёки 581-589 хижрий йиллари) маҳобатли бино (мақбара) қурилганлигини, мазкур бинони шахид бўлган инсонга бағишлаб қурилганлигини кўрсатмоқда. Бу қабристонга ислом динини Мовароуннаҳрда тарқалишида жонбозлик қилган, шу ерда ҳалок бўлган ва шу ўлкада хоки пойи қўним топган Қутайба ибн Муслимга таалуқли эканлиги ҳақиқатга яқиндир. Демак, Қиличмозордаги кўхна қабристон камида ўн тўрт асрлик тарихга эга ва Қутайба ибн Муслимнинг қўним топган сўнгги маскани бўлган. Чунки аксарият ёзма манбалар ва олинган қўшимча археологик маълумотлар шундан далолат бермоқда. Археологлар таклифлари: Қутайба ибн Муслим қабри атрофидаги ўрта асрларга таалуқли қурилиш қолдиқларини очик осмон остидаги музей сифатида қолдириш ва мақбарани қайта тиклаш лозим. Шунингдек, ушбу ҳудудда аниқланган топилмаларни ўз ичига олган музей ташкил этиш керак. Буларга қўшимча сифатида, Жалақудуқ туманининг Ойим қишлоғи яқинида жойлашган ва Фарғона водийсидаги 3000 йиллик энг қадимги шаҳар қолдиғи Далварзин ёдгорлигидан аниқланган топилмаларни ҳам мазкур музейга қўйиш мақсадга мувофиқ. Сўзсиз буларнинг барчаси мамлакатимизда Жалақудуқ туманини водий туризм марказларидан бирига айлантиради.

Археологик жихатдан мазкур ёдгорлик истикболли ва унда археологик қазшма ишларини давом эттириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Бакр Муҳаммад ибн Джа'фар ан-Наршахи. История Бухары. Вступительная статья Д.Ю.Юсуповой. Перевод, комментарии и примечания Ш.С.Камолиддина. Археолого-топографический комментарий Е.Г.Некрасовой. – Ташкент.: SMI-ASIA, 2011. – 600 с.
2. Ахмад ибн Йахйя ибн Джабир Ал-Балазури. Завоевание хоросана (Извлечение из сочинения “Футух Ал-Булдан”). Перевод с арабского, предисловие, комментарий и указатели кандидата исторических наук Г.Гоибова. Ответственный редактор - кандидат исторических наук Ю.С.Мальцев. – Душанбе.: Дониш, 1987. – 120 с.
3. Бартольд В.В. Сочинения. Общие работы по истории Средней Азии. Том II. Часть 1. – Москва. Изд-во Восточной литературы, 1963. – 1016 с.
4. Джамал ал-Карши. Мулхакат ас-Сурах. Перевод с арабского и примечания Саидова Абдукаххора. Душанбе: Ирфон. 2006. 268 с.
5. Джамал ал-Карши. ал-Мулхакат би-с-сурах (Упоминание о некоторых знаменитых правителях и вазирях) / История Казахстана в персидских источниках. / Отв. ред. А.К. Муминов. Введение, перевод с арабско-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х. Вохидова, Б.Б. Аминова. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – 416 с.
6. Истахрий. «Китаб ал-Масалик вал-Мамалик» Йўллар ва ўлкалар китоби. Хуросон ва Мовароуннаҳр. Тадқиқот, араб тилидан таржима, изох ва кўрсаткичлар муаллифи Р.Т.Худайбергенов. Масъул муҳаррир т.ф.д., проф., академик Д.Ю.Юсупова. – Тошкент.: Фан, 2019. – 375 б.
7. Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларигача). Тошкент: Шарқ. 2014. 280 с.
8. Одилжон Рахимов. Қиличмозор қишлоғидаги зиёратгоҳ // Хидоят. 2016. №10. С.26-27.
9. Писарчик А.К. Некоторые данные по исторической топографии городов Ферганы // Сборник статей посвященных искусству таджикского народа. Сталинабад. 1956. С. 145-194.
10. Сайфиддин Жалилов. Сохибкироннинг Фарғонага ташрифи (ихчам тадқиқот) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2002. №3. С. 206-209.
11. Фильштинский И.М. Халифат под властью династии Омейядов (661-750 гг.). – М.: Совето-принт, 2005. – С. 116.
12. Эралиев Б., Остонакулов И., Абдулахатов Н. Ўзбекистон Зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Андижон ва Наманган вилоятлари. Иккинчи китоб. – Тошкент.: Turon Zamin Ziyo, 2014. – 324 б.

13. Хмельницкий С. Между арабами и тюрками. Раннеисламская архитектура Средней Азии. – Берлин-Рига. 1992. 341 с.